



ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ БЎЙИЧА БЎШ ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИ ХОДИМЛАР ТАРКИБИГА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Мудир
Малака ошириш факультетига қарашли УАШ тайёрлаш ва малакасини ошириш кафедраси

Профессор
Тиббий профилактика факультетига қарашли "Патология" кафедраси

Доцентлар
Тиббий профилактика факультетига қарашли "Умумжамият соғлиқни сақлаш мактаби" кафедраси
Тиббий профилактика факультетига қарашли "Биологик ва тиббий кимё" кафедраси
Малака ошириш факультетига қарашли "Тери таносил касалликлари" кафедраси
Даволаш факультетига қарашли "Акушер гинекология №2" кафедраси
Даволаш факультетига қарашли "Хирургик касалликлар" кафедраси
Тиббий педагогика факультетига қарашли "Факультет ва госпитал жароҳлик" кафедраси
Даволаш факультетига қарашли "Урология" кафедраси
Даволаш факультетига қарашли "Факультет ва госпитал терапия №1" кафедраси

Катта ўқитувчилар
Тиббий профилактика факультетига қарашли "Эпидемиология" кафедраси
Олий маълумотли ҳамшира факультетига қарашли "Ижтимоий фанлар" кафедраси
Малака ошириш факультетига қарашли "Тери-таносил касалликлари" кафедраси
Малака ошириш факультетига қарашли "Ички касалликлар №1" кафедраси
Малака ошириш факультетига қарашли "УАШ тайёрлаш ва малакасини ошириш" кафедраси
Даволаш факультетига қарашли "Ички касалликлар №2" кафедраси

Тиббий педагогика факультетига қарашли "Педагогика ва психология" кафедраси

Ассистентлар
Тиббий педагогика факультетига қарашли "Факультет ва госпитал жароҳлик №2" кафедраси
Тиббий педагогика факультетига қарашли "Юқумли ва болалар юқумли касалликлари" кафедраси
Тиббий педагогика факультетига қарашли "Гистология ва тиббий биология" кафедраси
Тиббий педагогика факультетига қарашли "Онкология, нур диагностикаси ва терапия" кафедраси
Тиббий педагогика факультетига қарашли "Факультет ва госпитал терапия №2" кафедраси
Тиббий педагогика факультетига қарашли "Травматология, ортопедия ХДЖ ва нейрожароҳлик" кафедраси
Тиббий профилактика факультетига қарашли "Информатика, биофизика ва нормал физиология" кафедраси
Малака ошириш факультетига қарашли "Акушер ва гинекология №1" кафедраси
Малака ошириш факультетига қарашли "Ички касалликлар №1" кафедраси
Малака ошириш факультетига қарашли "Травматология, ортопедия ХДЖ ва нейрожароҳлик №1" кафедраси
Малака ошириш факультетининг "УАШ тайёрлаш ва малакасини ошириш" кафедраси
Даволаш факультетига қарашли "Ички касалликлар №2" кафедраси
Даволаш факультетига қарашли "Умумий ва болалар жароҳлиги" кафедраси
Даволаш факультетига қарашли "Ички касалликлар пропедевтикаси ва гематология" кафедраси
Даволаш факультетига қарашли "Болалар касалликлари №2" кафедраси
Олий маълумотли ҳамшира факультетига қарашли "Жамоат саломатлиги, соғлиқни сақлашни ташкил этиш ва бошқариш, фуқаро муҳофафаси" кафедраси

Ҳужжатларни қабул қилиш муддати эълон қилинган кундан бошлаб бир ойда ректоратнинг девонхона бўлимига топширилади. Манзилими: Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2-уй.

Касбга йўналтириш долзарб муаммо...

"Кадрлар тайёрлаш Миллий Дастури"га мувофиқ олий таълим тизимидаги ислохотлардан кўзда тутилган асосий мақсад—ҳар бир мутахассисни тайёрлаш истиқболга қаратилиши, ҳаёт талаб қилаётган ихтисосликларни кенгайтиришга, келажакда қандай кадрларга эҳтиёж борлигини аниқлашнинг йўл-йўриги ва усулларини ўрганишга, илғор хорижий мамлакатларнинг таълим тартибларини муваффақиятли равишда янги асосийси— таълимни инсонийлаштиришга қаратилган. Ҳозирда талабаларга турли-туман билимлар тўпланадиган объект, яъни фақат билимдон мутахассис деб эмас, балки, интеллектуал ва маънавий жиҳатдан баркамол фазилатларни ўзлаштирувчи инсон деб қаралади.

Янги бошланган 2017 йилнинг 5-6 январь кунлари Тошкент Тиббиёт академиясида "Очиқ дарсларнинг таълим сифатини оширишдаги ўрни ва уларни такомиллаштириш йўллари" мавзусидаги навбатдаги XII ўқув-услубий анжуман бўлиб ўтди. Анжуманнинг очилиши 5 январь куни Тошкент шаҳридаги "Miran International" меҳмонхонасининг Самарқанд мажлислар залида бўлиб ўтди.

Уни Тошкент Тиббиёт академияси ректори, профессор Л.Тўйчиев кириш сўзи билан очиб, иштирокчиларни анжуман дастури ҳамда кун тартибида кўриладиган асосий масалалар билан таништирди. Академия ректори Л.Тўйчиев

шунингдек, ўз сўзида бугунги кунда мустақил ўз тараққиёт йўлидан бораётган мамлакатимизнинг узлуксиз таълим тизимини ислоҳ қилиш ва такомиллаштириш, уни янги сифат босқичига кўтариш, унга илғор педагогик ва ахборот технологияларини жорий қилиш, кенг кўламли таълим самарадорлигини ошириш давлат сиёсати даражасига кўтарилганлигини алоҳида таъкидлади. Сўнгра академиянинг ўқув ишлари бўйича проректори, профессор О.Тешаев "Олий тиббий таълимда ўқув жараёнини ташкил этишнинг меъёрий ҳужжатлари ва уларнинг ижросини таъминлаш", Бош илмий методик марказнинг етакчи ўқитувчиси, доцент В.Топилдиев "Таълим сифатини таъминлашда очик дарс ва очик маърузаларнинг тугган ўрни", п.ф.д., профессор Ўз.ЖТУ педагогика ва психология кафедраси мудири О.Мурсурмонова "Таълим менежерининг касбий компетентлиги ва унинг ўзига хос хусусиятлари", ТТА кафедра мудири, доцент Х.Аҳмедов "Умумий амалиёт шифокорини тайёрлашда очик дарсларнинг ўрни" каби мавзуларда қизиқарли маърузалар қилишди.


6 январь куни эса академия қошидаги академик лицейнинг мажлислар залида "Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш—юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови" мавзусида ҳам анжуман бўлиб ўтди. Унда

академиянинг маънавият ва маърифат ишлари бўйича проректори, профессор Т.Бобомуратов "Тошкент Тиббиёт академиясида маънавий ва маърифий ишларни тизимли ташкиллаштириш ҳамда "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили"да бажариладиган вазифалар ҳақида" маъруза билан чиқиш қилди. Шунингдек, анжуманда ТДЮУ доценти Э.Қодиров ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат қурилиши академияси кафедра мудири, доцент Ш.Зулфиқоровлар ҳам ўзларининг маърузалари билан қатнашишди.

Ўтказилган навбатдаги XII ўқув-услубий анжуман ўзининг долзарблиги ва амалий жиҳатдан қимматлилиги, фойдали эканлиги билан иштирокчиларда муҳим аҳамият касб этди ва бу улар томонидан эътироф этилди.

Шоира ҚОДИРОВА,
тиббий педагогика факультети катта ўқитувчиси

Тошкент Тиббиёт академияси ректорати ва касабга уюшмаси факультет ва госпитал терапия №2 кафедраси профессори Наима Насриддиновага турмуш уртоғи санъатшунос олим Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими **Бахриддин НАСРИДИНОВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.



14 январь – Ватан ҳимоячилари куни

Мустақил Ватанимизнинг осойишталиги, тинч ва осуда ҳаётимиз юртимиздаги барқарорлик туфайлидир. Бу барқарорликни таъминлашга ҳисса қўшган миллий армиямиздир.

Ҳар қандай давлатни, биринчи ўринда ўз армияси, Қуролли Кучлари ҳимоя қилиши керак. Биринчи Юртбошимиз таъбири билан айтганда "Ўз истиқлоли ва озодлигининг қадрини билмайдиган миллат ҳеч қачон эркин яшай олмайди, кимгадир итоат этишга, бўйин эгишга мажбур бўлади". Шу боис 6 сентябрь куни илк бор Ўзбекистон Республикаси Мудофаа ишлари вазирлиги ташкил этилди. 1992 йил 14 январь куни эса мустақил давлатимиз тарихида яна бир муҳим қадам қўйилди. Шу куни мамлакатимиз ҳудудидаги барча Қуролли Кучларни Ўзбекистон юрисдикциясига ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Мазкур қарор қабул қилинган кун 14 январь "Ватан ҳимоячилари куни" деб эълон қилинди.

Давоми 3-бетда.

ТИББИЙ ТАЪЛИМ ВА ХИЗМАТ СИФАТИГА БАРЧАМИЗ МАСЪУЛМИЗ!

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини янада такомиллаштириш, тиббиёт ходимлари меҳнатини рағбатлантириш, даволашнинг замонавий технология ва усулларини кенг жорий этишга ҳамиша алоҳида эътибор қаратиб келинган.

Биринчи Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида халқимизга муносиб турмуш сифатини таъминлаб бериш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, ҳар томонлама соғлом авлодни тарбиялаш, тиббий хизмат сифатини ошириш йўлида кенг кўламли ишлар амалга оширилган эди. Бу жараённинг келажакда янада такомиллашган бир тизимга айлантирилиб давом эттирилиши келажак авлоднинг ҳам жисмонан, ҳам маънан баркамол бўлиб етишининг гаровидир. Муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг давлат раҳбари сифатидаги фаолиятларининг илк кунлариданоқ тиббиёт соҳасидаги камчиликларни бартараф этиш, аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини яхшилашга эътибор қаратишлари мамлакатимиз фуқароларини қувонтириш билан бир қаторда биз тиббиёт ходимлари зиммасига улкан масъулият юклайди.

Мустақиллик йилларида ҳаётга татбиқ этилган кенг кўламли ислохотлар натижасида соғлиқни сақлаш тизими тубдан ўзгарди. Поликлиникалар, касалхоналарнинг техник базаси замонавий тиббий ускуналар билан бойитилди. Янгидан янги диагностика марказлари, даволаш ва реабилитация марказлари, санаторийлар қурилиб фойдаланишга топширилди. Бироқ бу эзгу ишларнинг асосан катта шаҳарлар ва вилоят марказларида амалга оширилганлиги чекка туманлар ва қишлоқларда истиқомат қилувчи аҳолининг сифатли тиббий хизмат учун олис йўл босиб ўтишга мажбур қилар ва бунинг натижасида касаллар тиббиёт муассасаларига жуда кеч етказиб келиниши ҳолатлари жуда кўп кузатилади. Айниқса катта шаҳарлар, вилоят марказларидаги поликлиникалар, шифохоналарда врач қабулига кириш учун соатлаб навбат кутиб турган беморларга қараб мамлакатимизнинг чекка туманлария қишлоқларидаги тиббиётнинг сифати ҳақида хулоса чиқариш мумкин.

Давоми 2-бетда.

MUASSIS:
TOSHKENT
TIBBIYOT
AKADEMIYASI

MUHARRIR
TURDIQUL
BOBOMURATOV

TAHRIR HAYATI:
Q.Nizomov (Bosh muharrir o'rinbosari),
O.Hazratov, D.Hidayeva, D.Norgulov,
L.Abdugodirov, D. Xudoyqulov


Gazeta Pentium-IV
kompyuterida sahifalandi va Toshkent
Tibbiyot akademiyasi RISOGRAFida
400 nusxada chop etildi.
Manziliimiz:
Toshkent shahri, Farobiy
ko'chasi, 2-uy
Nashr uchun ma'sul
Q. Nizomov

Gazeta Toshkent Matbuot va axborot
boshqarmasida 2007-yil 15-yanvarda
02-0049 raqam bilan ro'yxatga olingan

Mualliflar fikri tahririyat nuqati nazaridan farqlanishi
mumkin. Maqolalardagi ma'lumotlar uchun
mualliflar javobgardir



Ватан ҳимояси – муқаддас бурч



ТИББИЙ ТАЪЛИМ ВА ХИЗМАТ СИФАТИГА БАРЧАМИЗ МАСЪУЛМИЗ!

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Баъзан ҳатто оддий шато муолажа қилинмаганлиги натижасида ўткир ва сурункали гайморит, бронхит ва пневмония билан марказий шифохоналарга мурожаат қилаётган беморларни саволга турсангиз қишлоқ ёки туманида малакали шифокорнинг йўқлиги, тиббий диагностика сифатининг пастлигидан шикоят қилишади. Юртимизда тиббиёт ходимларини етиштириб берувчи ўндан ортиқ олий таълим муассасаси, юзлаб коллеж ва лицейлар мавжуд бўлгани ҳолда, ҳар йили миллиардлаб маблағ тиббиёт сифатини яхшилашга сарфланиб турганида аҳолининг шифокорлар етишмаслиги ёки тиббий хизмат сифатининг пастлигидан шикоят қилиши тизимнинг қайсидир бўғимида заифлик борлигидан далолат беради.

Ҳар йили соғлиқни сақлаш тизимидаги олий таълим муассасаларини минглаб талабалар битириб чиқадилар. Шуларнинг ярмидан кўпи вилоятлик талабалар бўлгани ҳолда баъзи вилоятларга буларнинг ярми ҳам қайтиб бормаслиги, шифокорлик фаолиятларини шаҳарда олиб боришни афзал кўришлари ҳам муаммони келтириб чиқараётган асосий омиллардан биридир. Шифокорликда масъулиятли касбни танлаган ёшларни кўллаб-қувватлаш, таълим даргоҳларини тугатиб шифокорлар етишяётган ҳудудларга бориб хизмат қилишлари учун шарт-шароит ярати бериш раҳбар ходимларимиз олдида турган муҳим вазифалардан ҳисобланади. Мамлакатимиз Президентини таъкидлаганларидек, "...бугун замон ўзгармоқда, одамларнинг талаби ошиб бормоқда. Халқимизнинг тиббий маданияти юксалиб, энг сўнгги усул ва русумларда тиббий хизмат кўрсатилишини истайди". Шундай экан биз тиббиёт ходимлари ҳам халқимиз ва Президентимизнинг талабларига жавоб берадиган мутахассис бўлишга ҳаракат қилишимиз, бунинг учун эса сансалорлиги, кўзбўямачиликни йиғиштириб ўз устимизда ишлаб, малакамизни ошириб боришимиз зарур. Президентимиз соғлиқни сақлаш тизими раҳбарияти зиммасига чет элдан мутахассислар таклиф қилиб ҳамкорликни йўлга қўйишни, ҳар йили камида ўнта мутахассисни хорижга малака оширишга юборишни талаб қилиб қўйдилар. Бундан келиб чиқадими, биз шифокорлар халқаро мулоқот воситаси ҳисобланган инглиз тилини ўрганиб хорижий мутахассислар билан тажриба алмашишга ҳамиша тайёр бўлиб туришимиз мақсадга мувофиқдир.

Ҳар йили малакали тиббий хизмат илмининг минглаб километр масофа-

ларга қарамай хорижга йўл олаётган ватандошларимиз олдида ҳар бир тиббиёт ходими ўзини айбдор ҳис қилмас экан, соҳамиздаги камчиликлар ўз ечимини топмасдан қолаверди, назаримда. Яратилаётган шарт-шароитлардан мақсадли ва самарали фойдаланиш энди тиббиёт ходимлари зиммасидаги вазифадир. Жорий йилнинг 5 январида Президентимиз Ш.Мирзиёевнинг соғлиқни сақлаш тизимининг бир гуруҳ етакчи мутахассислари, раҳбар ходимлари билан бўлиб ўтган учрашувда таъкидлаб ўтган масалалари бундан буён тиббиёт соҳасига қўйиладиган талаб аҳолининг, айниқса, чекка ҳудудларда истиқомат қилувчи фуқароларнинг эҳтиёжларидан келиб чиқиши зарурлигини ўқтиради. Юртимиздаги тиббий хизмат сифати мамлакатнинг қайси ҳудудда бўлишидан қатъий назар халқаро стандартларга жавоб берадиган бўлишини таъминлашга ҳаракат қилиш ҳар бир тиббиёт ходимининг бурчидир.

Маъмур йўналиш бўйича кадрлар тайёрлашда республикада етакчи ўрин эгалладиган Тошкент Тиббиёт академиясида олиб борилаётган ишлар эса тиббий таълим сифатини кўтаришга қаратилган. 2017 йилнинг дастлабки кунлариданоқ тиббий таълим сифатини ошириш мақсадида "Очiq дарсларнинг таълим сифатини оширишдаги ўрни ва уларни такомиллаштириш йўллари" мавзусида XII ўқув-услубий анжуман ўтказилди. Унда "Таълим сифатини таъминлашда очiq дарс ва очiq маърузаларнинг ўрни" маърузаси билан Бош илмий методик марказнинг етакчи мутахассиси, юридик фанлари номзоди, доцент В.Р.Топилдиев, "Таълим менежерининг касбий компетентлиги, унинг ўзига хос хусусиятлари ва педагогик маҳорат" маърузаси билан педагогика фанлари доктори, профессор О.М. Мусурмоновалар ҳам иштирок этдилар.

Шунингдек, тиббиёт соҳасидаги йўналишлар бўйича ташкил этилган шўъба йиғилишларида олий маълумотли ҳамшира-талабаларни ўқитиш самарадорлигини оширишда очiq дарсларнинг аҳамияти, амалий дарсларни муаммоли ва мунозаравий ташкил этиш, очiq машғулотларни ўтказишда илгор педагогик технологияларини қўллаш, лаборатор қисмини қайта ишлаш ва такомиллаштириш, очiq дарсни ташкиллаштириш, баъжариш ва таҳлил қилишнинг методологик жиҳатлари, очiq дарсларни ўтказишда замонавий интерфаол ва инновацион технологияларни қўллаш, унда педагогик концепциянинг ўрни каби масалалар атрофича муҳокама қилинди.

Албатта, тиббиёт ходимлари биринчилар қаторида халқ билан бевосита мулоқот қиладиган кишилар. Шунинг учун нафақат ўзининг касбий фаолиятига тегишли, балки сиёсий, маънавий ва маърифий жиҳатдан ҳам ҳар томонлама билимга эга бўлишлари зарур. Бу борада 2017 йил 6 январь куни "Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлиги гарови" номли маънавий-маърифий анжуман ҳам алоҳида аҳамиятга эга.

Унда Тошкент Тиббиёт академиясида маънавий-маърифий ишларни тизимли ташкил этиш, Ўзбекистон Республикаси Президентини Ш.М.Мирзиёевнинг "Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлиги гарови" номли маърузасининг устувор вазифалари, "Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисидаги" Қонунни амалга оширишда соғлиқни сақлаш ва таълим тизимидаги муҳим йўналишлар, ёшларнинг мафқуравий иммунитетини ошириш, турли ёт ғоялар таъсиридан ҳимоя қилиш масалалари чуқур ўрганилди.

Шунингдек, Ўзбекистонда маҳаллий дори воситаларини ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг фаолиятини ошириш, уларни аҳолига арзон ва сифатли тақдим этиш, ўткир ва сурункали касалликларнинг олдини олиш, самарали профилактика ва даво йўллари такомиллаштиришдаги ўрни мавзусига бағишланган конференция ҳам ташкил қилинди. Унда барча ТТА клиник кафедралар педагог ходимлари, профессор-ўқитувчилар фаол иштирок этдилар. Таклиф қилинган маҳаллий дори воситаларини ишлаб чиқарувчи ташкилотлар вакиллари ўзларининг кенг қўламадаги антибиотиклар, витаминлар, юрак-қон томир, суяк, буйрак, ошқозон ичак, жигар, эндокрин ва нерв системаларига таъсир қилувчи препаратлари билан таништирдилар, уларни қўллаш самараси ва халқ истеъмоли учун қўлай афзалликларини таъкидлаб ўтдилар.

Хулоса қилиб айтганда, янги 2017 йилга янги Президент, янгидан янги вазифалар ва мақсадлар билан қадам қўяр эканмиз, бизни олдинда забт этилиши зарур бўлган янги марралар кутаётганлигидан қалбимиз бурч, масъулият ва ифтихор туйғуларига йўғрилади. Келажикнинг ҳақиқатдан ҳам ёруғ ва буюқдир, Ўзбекистоним!

Ш.БАКИЕВА,
Тошкент Тиббиёт академияси
ОМХ факультети декани

Заҳириддин Муҳаммад Бобур сиймосига бир назар

Тарихдан маълумки, Ўрта Осиё дунёга кўплаб мутафаккир олимларни, шоирларни ва жаҳонгашта саркардаларни етказиб берди.



Маданиятнинг, илм-фан, меъморчилик ва санъатнинг ривожланган, тараққий этган даври ҳисобланган XV аср, Мовароуннахр тарихида

ўзига хос ёрқин ва аҳамиятли из қолдирди.

Мумтоз инсон, тарихимизнинг энг мураккаб, энг жозибадор, энг драматик сиймоларидан бири Заҳириддин Муҳаммад Бобур Мирзо айни мана шу даврда яшаб, ижод этди. У қисқа умр кўрди – бор-йўғи қирқ етти йил ҳаёт кечирди. Лекин шу суронли умри мобайнида у жаҳон тарихидан шавкатли ўрин олиб улгурди.

Ҳали мурғак гудак экан, ота-боболари уни суюб-эркалаб, яхши ниятлар билан залворли ном бериб атадилар. Исми-жисмининг бир-бирига монанд келиши кам учрайдиган ҳодисадир. Бироқ бу азамат шахс – Бобур Мирзо тимсолида айни шу ҳол ўзининг ёрқин ифодасини топган эди. Айтиш жоизки, эзгу дуолар ва уларнинг ижобати боис бу суврати сийратига вобаста инсон, муаззам ва қудратли салтанатнинг муносиб вориси ўлароқ вояга етди ва сўнгги нафасига қадар беқиёс шиддат, азим бир шижоат уни тарк этмади.

У тенгиз фазилатлар бобида камлиги йўқ бўлиб камол топди. Айтиш жоизки, бу беназир сиймо – Бобур Мирзо тимсолида олмос истеъдодини синаб кўрмаган инсоний фаолият соҳаси жуда кам топилди.

Аслида, унинг умр йўли бошдан-оёқ тақдир имтихонларидан иборат эди, десак янглишмаймиз.

ҒАЛАБА МУБОРАК!

Ёш авлодни интеллектуал салоҳияти юксак, маънан етук, жисмонан соғлом ва малакали кадрлар қилиб тайёрлаш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир.

Бу борада олиб борилаётган чоратадбирлар ўз самарасини бераётганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

"Заковат" интеллектуал ўйини – Республикада миқёсида ўтказиладиган интеллектуал ўйинлар ичида юқори рейтингга эга бўлган беллашувдир. Бу беллашув олий лигадаги 9 та ва биринчи лигадаги 30 дан ортиқ жамоалар ўртасида бир йил давомида ўтказилади. Бу йилги беллашувнинг финалига Тиббиёт академиясидаги ёш олимлардан бири, давлолаш факультетининг декан муовини, Одам анатомияси ва ОЖТА

кафедрасининг ассистенти Жобир Аҳмедов бошқариб келган 6 кишидан иборат жамоа чиқди.

Қувонарлиси мазкур жамоа жорий йилнинг 1 январь куни финалда ғолиб бўлиб, "2016 йилнинг энг кучли билимдони" кубоги соҳибига айланди.

Маълумотларга кўра Жобир Аҳмедов 2002 йилдан буён "Заковат" интеллектуал клубининг аъзоси, эфир орқали ўйинларда илк марта ҳам худди шу йилда иштирок этган. "Заковат"да эришган ютуқлари сирасига 2004, 2008 ва 2012

У ўн икки ёшида отадан етим қолди.

Ҳали айрилиқ аламлари, кўз ёшлари тинмай туриб, қисмат унинг бошига тоғу тахт, салтанат миннатини солди. Шу тариқа тақдир қутилмаганда, уни болаликнинг завқли, суронли дамларидан бенасиб этди. Шу ёшдан умри мудом от устида, жангу жадалларда, сиёсат гирдобларида ўтди.

Гарчанд маърифатга ташна қалб илму зиё сари талпиниб турса-да, тақдир унга на Бухораи шариф мадрасаларида ва на Бағдод байтулхикмаларида таҳсил кўрмоқликни насиб этди. Аммо даҳо заковати ва илоҳий пайғоми билан у оламнинг тенгсиз адабий ва илмий мўъжизаларини яратишга мушарраф бўлди.





Зотан, муаллими устоди ҳам, мураббийи – тарбиячиси ҳам айни ҳаёт, унинг отасиз, шафқатсиз тарзи эди ...

Қисмат уни, бир томондан, ўн тўққиз ёшида тугилган диёрини тарк этишга, иккинчи томондан, йигирма беш ёшида Афғонистон, Покистон, Ҳиндистон, Бангладеш каби қатор мамлакатларнинг аксар қисмини забт этишга, шу билан буюк бобурийлар салтанатига асос солишга мушарраф қилди. Демак, бир вақтнинг ўзида, Ватандан ҳам, салтанатдан ҳам жудолик юз берди ...

Унинг мамлакатдорлик сиёсати, ҳарб илми асрлар давомида жаҳон ҳукмдорлари учун ибрат мактаби бўлиб хизмат қилди.

Шу сабабли унинг бу борадаги ноёб тажрибалари Юлий Цезарь, Бонапарт Наполеон, Атилла, Амир Темур сингари мумтоз давлат арбобларининг номлари билан бир қаторга қўйиб ўрганилади.

Сати́ма КУРА́НБАЕВА,
Асаб касалликлари кафедраси ассистенти т.ф.н.





ХАЛҚИМИЗНИНГ БУЮК СИЙМОСИ

XV аср жаҳон маънавиятининг буюк сиймоси Низомиддин Мир Алишер Навоий ҳижрий 844 йил рамазон ойининг 17-куни (1441 йил 9 феврал)да Ҳиротда туғилган. Ҳирот шаҳри XV аср биринчи ярмида Соҳибқирон Амир Темур асос солган улўф салтанатнинг иккинчи пойтахти, Темурнинг кенжа ўғли Шоҳруҳ Мирзонинг қўл остидаги обод манзилларидан бири эди. Алишер туғилган хонадон Темурийлар саройига азалдан яқин ва юртда муайян нуфуз соҳиби эди.

Бўлғуси шоирнинг отаси Ғиёсиддин Муҳаммад ўғлининг тарбиясига жиддий эътибор берди. Алишернинг шеърятдаги илк устози тоғаси Мир Сайид Кобулий ва Муҳаммад Али Ғарибийлардир. Навоий "Мажолис ун-нафоис" асарига Кобулий ҳақида: "Яхши таъби бор эрди, туркчада майли кўпроқ эрди..." деса, Ғарибий ҳақида: "Хуш муховара (хушсухбат) ва хушхулқ ва дардманд йигит эрди. Кўпроқ созларни яхши чалар эрди. Уни ва усули хўб эрди. Мусиқий илмидин ҳам хабардор эрди..." — дейди.

1447 йилда Шоҳруҳ вафот этган, Темурий шаҳзодалар ўртасида тож-тахт дарди хуруж қилиб, юртда талотўп бошланди ва Ғиёсиддин Муҳаммад хонадони ҳам кўп қатори ватанни тарк этди. Ёш Алишер учун тақдир синовлари бошланди. Шоҳруҳнинг набираси Абулқосим Бобур 1452 йилда Ҳирот тахтига ўтиргач, Алишернинг отасини Сабзаворга ҳоким этиб тайинлади. Лекин орадан кўп ўтмай Ғиёсиддин кичкина дунёдан кўз юмди. Бу пайтда Алишер эндигина 12 ёшга қадам қўйган эди. Абулқосим Бобур Алишер ва унинг мактабдош дўсти Хусайнни ўз тарбиясига олди, 1456 йили эса ўзи билан Машҳадга олиб кетди. Кейинчалик Хусайн Бойқаро силоҳийлик йўлини танлади, Алишер эса замонанинг "малик ул-калом"и Мавлоно Лутфий тахсини ва хайратига сазовор бўлган истеъдод эгаси бўлиб етишди. "Фақирнинг назмлари Хурсонда шухрат тутиб эрди", деб ёзади Навоий 1455—1458 йиллар ҳақида.

Тақдир Алишер Навоийни замонанинг улўф ва шарафли кишиларига яқин қилди, устоз-мураббийлик этувчи зотлар билан ошно этди. 1466—1468 йиллар Алишернинг умри асосан Самарқандда кечди. Султон Хусайн Бойқаро Ҳиротни эгаллаганда, Алишер Навоий 28 ёшли мукаммал билимлар эгаси, юртга танилган шоир ва тажрибали давлат арбоби даражасига етишган эди.

Ҳирот бу даврда нихоятда кўркамлашди, халқ турмуши яхшиланди, шеърят, нафис санъатлари ривож олди. Талабалар учун "Ихлосия" мадрасаси, дарвешлар учун "Халосия" хонақоҳи, беморлар учун "Шифоия" шифохонаси, масжиди Жомеъ ёнига қорихона ("Дор ул хуффоуз") қурилди. Улўф амирнинг кутубхонасида 70 дан ортиқ хаттот ва мусаввирлар қўлёзмаларни оққа кўчириш, уларни бадийи бешаз билан банд эдилар. Ҳиротда яна "Низомия", Марвда "Хусравия" ва бошқа мадрасалар бино этилди.

Навоий мадраса, шифохоналар курдириб қўя қолмасдан, уларни керакли даражада жиҳозлаш, ўз-ўзини таъминлаш учун вақф ерлар ажратиб бериш, мударрислар, табиблар ва бошқа ходимлар билан таъминлаш, уларга ойлик маош, озуқа, кийим-бош белгилашгача, талабалар нафақаси ва китобларигача, барча-барчасини мукаммал бошқариб, ташкил этиб берар эди ва ўзи доимо хабар олиб, назорат қилиб туришни ҳам унутмасди.

Бинолар қурилиши тарҳи билан бевоқифа шуғулланар, уста ва

шоғирдлар меҳнатидан бохабар бўлиб турарди. Шоир ўз ҳузурига тез-тез шеър, илм ва санъат аҳлини чорлаб, маърифий суҳбатлар уюштириб турар, ёш истеъдодларни тарбият қилиб, уларга шароит яратарди. Хондамир, Беҳзод, Восифий ва ўнлаб ушбу тарбиятга ноил бўлган истеъдод эгалари шулар жумласидандир.

Шу давр ичида Алишер Навоий ўз қўли билан биринчи девони "Бадойи ул-бидоя" ("Бадиийлик ибтидоси")ни тузди. Бу девонга унинг ёшлик ва йигитлик пайтларида ёзган 800 дан ортиқ шеърлари жамланган бўлиб, шоир ижодий камолотининг биринчи босқичини акс эттиради.

Алишер Навоийга бағишланган тарихий ва илмий асарларда батафсил тавсиф қилинишича, 1469—1481 йиллар Алишер Навоийнинг ижтимоий ҳаёт ва ободончилик борасидаги энг фаол хизмат кўрсатган йиллари бўлган. Шоир 1481 йили "Вақфия" асарини ёзиб, унда ўзининг бинокорлик ва хайрия ишларига яқун ясаб, ўз-ўзига ҳисоб берган.

Навоий деҳқончилик ишларини йўлга қўйиб, жуда яхши натижаларга эришган. Тарихчиларнинг ёзишича, Навоийнинг бир кунлик даромади 18 минг шоҳрухий динор миқдорига эди. Улўф Амир бу даромаднинг кўп қисмини хайрли ишларга сарф қилган. Тарихчи Хондамир Навоий қурган 52 рабат, 20 ҳовуз, 16 кўприк, бир қанча тўғон, ариқ, ҳаммом, масжид-мадрасаларни эслайди. Навоий турли соҳа олимларига ҳомийлик қилиб, ўнлаб илмий рисоалар битилишига бевоқифа сабабчи бўлган.

Алишер Навоий ўзи ва салафлари — Низомий, Деҳлавий, Ҳофиз, Ироқий ва бошқалар яратган мустақил бадийи тафаккур тарзини "мажоз тариқи" деб номлади ва унда Ҳақ асрори "мажоз сувратинда" акс этилиши таъкидлаган. Бу Борлиқни ўзига хос идрок этиш тарзи Нақшбандиянинг: "Дил ба ёру даст ба қор" қоидасига мувофиқ бўлиб, унда ибрат, илм, ирфон ва амал бир нуқтада бирлашар ва янги дунёга кўз очарди. Тавҳид таълимоти ва эътиқодини идрок этишнинг энг юқори босқичи бўлган бу дунёқараш тизими "Ҳамса" ва "Лисон ул-тайр" асарларида, шоир лирикасида бадийи инъикосини топган.

1500 йилларга келиб шоирнинг ҳаёт шароити қийинлашиб, соғлиги заифлашиб қолса-да, ижоддан тўхтамади. 1501 йилнинг бошида Навоий касалликдан вафот этди. Бутун Ҳирот халқи ўзининг буюк шоири билан хайрлашишга чиқди ва 7 кун давомида мотам тутди.

Навоий ўз ижоди билан ўзбек адабиётининг сўнгги ривожини белгилабгина қолмай, Мовароуннаҳр ва Хурсоннинг бутун маънавий маданияти тараққиётига жуда катта таъсир кўрсатди. Унинг асарлари, шеърляти қайта-қайта кўчирилиб, халқ орасида кенг тарқалиб, шоирлар учун мактаб вазифасини ўтади, мадрасаларда кенг ўрганилди.

Ҳасан ТУРСУНОВ,

Патология кафедраси мудири, т.ф.д. профессор



14 январь – Ватан ҳимоячилари куни

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида эса Қуролли Кучлар ҳуқуқий мавқеи узил-кесил ва юксак даражада мустаҳкамланди. Унинг 125-моддасида: "Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Ўзбекистон Республикасининг давлат суверенитетини ва ҳуқуқий яхлитлигини, аҳолининг тинч ҳаёти ва хавфсизлигини ҳимоя қилиш учун тузилади" деб белгиланиши Қуролли Кучларнинг асл мақсад ва вазифаларини дунё ҳамжамияти олдида яна бир бор намоён этди.

Бугунги кунда Қуролли Кучларимиз халқимиз тинчлиги ва хавфсизлиги, сарҳадларимиз дахлсизлигини қалқон каби ҳимоя қилиб келмоқда. Зеро, улар борки, биз шундай осойишта, тинч фаровон ҳаётда ўйнаб-қулиб яшамоқдамиз.

Айни вақтда Қуролли Кучларимиз миллий давлатчилигимиз ва мустақиллигимизнинг муҳим таркибий қисмига айланди. Унда хизмат қилиш амалда шарафли ва нуфузли ишга айланмоқда. Чунки замонавий армия ёшларга нафақат ҳарбий профессионал билим ва маҳорат беради, балки уларни фан ва амалиётнинг илғор ютуқлари, энг замонавий ахборот-коммуникация технологиялари билан таништиради, замонавий ҳаёт тарзига ўргатади ҳамда ҳаёт йўлини танлаш учун кенг имконият очади.

14 январь Ватан фидойилари байрами, бир сўз билан айтганда Ватанни сеувчилар байрамидир. Байрамингиз муборак бўлсин, азиз ҳарбийлар.

Шукрулло ЯҲЁЕВ,
подполковник

ВАТАНГА ҚАЛҚОН, ХАЛҚИГА ПОСБОН!

Ўзбекистон Давлат консерваторияси ва Тошкент Тиббиёт академияси ҳамда Тошкент Тиббиёт академияси ҳузуридаги Ҳарбий-тиббиёт факультети билан ҳамкорликда "14 январь – Ватан ҳимоячилари куни ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганлигининг 25 йиллиги" байрамига бағишланган "Ватанга қалқон, халқига посбон!" мавзусидаги тантанали байрам тадбири

Мустақил Ватанимизнинг осойишталиги, тинч ва осуда ҳаётимиз юртимиздаги барқарорлик туфайлидир. Мана шу барқарорликни, истиқлолимизни, миллий хавфсизлигимизни ишончли ҳимоя қилишга қодир Қуролли Кучларимиз сафида Ватан олдидаги ўзининг муқаддас бурчини шараф билан адо этиб, эл-юрт фаровонлиги ҳамда тинчлигини таъминлаётган, мардлик ва жасорат намунасини кўрсатаётган, ўз тақдирини ҳарбий соҳа билан боғлаган инсонлар – ҳарбий хизматчилардир, улар жаннатмақон юртимиз нури истиқболнинг кафолатидир.

Бугун мана шундай бекиёс соҳа вакилларининг байрами. Мустақиллик шарафати билан мана 25 йилдирки Ватан ҳимоячилари куни кенг нишонланмоқда.

Давлатимиз мудофаа қудратини янада юксалтириш, Қуролли Кучларимизнинг салоҳияти ва жанговар тайёргарлигини мустаҳкамлаш, қолаверса, Қуролли Кучлар сафига ўз Ватанига садоқатли, кенг билим ва тафаккурга, юксак профессионал ва маънавий-ахлоқий фазилатларга эга бўлган, замонавий фикрлайдиган етуқ кадрларни тайёрлашда, қолаверса, келажакда ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларининг саломатлигини сақлашдек вазифаларни муваффақиятли адо этишга қодир бўлган ёш авлодни интеллектуал қобилиятларини ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш йўлида амалга оширилаётган эзу ишлар эътирофга лойиқдир.

Байрам муносабати билан Ўзбекистон Давлат консерваторияси ва Тошкент Тиббиёт академияси ҳамда Тошкент Тиббиёт академияси ҳузуридаги Ҳарбий-тиббиёт факультети томонидан Ватан ҳимоячилари кунига бағишланган "Ватанга қалқон, халқига посбон!" шиори остида тантанали байрам тадбири ташкиллаштирилди.

Тадбирда Мудофаа вазирлиги бошқарма бошлиқлари, масъул офицерлари, Ўзбекистон Давлат консерваторияси ректори Бахтиёр Раҳимович Якубов, Тиббиёт академияси ректори Лазиз Нодирович Тўйчиев, Ўзбекистон Давлат маданият ва санъат институти, Республика Маънавият тарғиботи маркази, Олимпиада музейи, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, Олий Мажлис Мудофаа ва Хавфсизлик масалалари қўмитаси ва ИНХА Университети раҳбариятидан масъул шахслар, Ўзбекистон Давлат консерваторияси ва Тошкент Тиббиёт академияси проректорлари, профессор-ўқитувчилари, талабалари, Тошкент шаҳар Мирзо Улугбек тумани ҳокими, "Туронпатриот" ҳарбий мактабидан вакиллар, давлат ва жамоат ташкилотлари ходимлари, шунингдек Қуролли Кучлар фахрийлари, Тошкент Тиббиёт акаде-

мияси ҳузуридаги Ҳарбий-тиббиёт факультети офицерлари ва курсантлари, уларнинг ота-оналари ва оила аъзолари, шу билан бирга ушбу факультетни тугатган, бугунги кунда Қуролли Кучларнинг ҳарбий-тиббиёт соҳасида фаолият олиб бораётган ҳарбий хизматчилар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

Тадбир қатнашчилари юртимизда Қуролли Кучларимизда олиб борилаётган ислохотлар, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оилаларини






ижтимоий ҳимоя масалаларига берилаётган эътибор тобора ортиб бораётганлиги ҳақида фикр билдирдилар.

2012 йилда ташкил этилган Тошкент Тиббиёт академияси ҳузуридаги Ҳарбий-тиббиёт факультетида қисқа давр ичида бўлажак ҳарбий шифокорларга шифокорлик касби фаолияти давомида тўплаган тажрибаларини етказиб, уларни яхши мутахассис бўлиб етишишга муносиб ҳисса қўшаётган устоз ва мураббийлар ҳам соҳанинг ривожланишида фаол қатнашаётганликлари ҳақида алоҳида таъкидландилар.

Тадбир давомида "14 январь – Ватан ҳимоячилари куни" байрами муносабати билан ёшларни ватанпарварлик ва ўз Ватанига содиқлик руҳида тарбиялашдаги, малакали ёш ҳарбий офицерларни ва юқори малакали тиббиёт ходимларини тайёрлашда ҳамда қайта тайёрлашда ўзларининг салмоқли ҳиссаларини ва самарали хизматларини қўшиб келаятган Тошкент Тиббиёт академияси ҳузуридаги Ҳарбий-тиббиёт факультетининг бир гуруҳи офицерларига ва профессор-ўқитувчиларига ҳамда тиббиёт соҳаси фахрийларига миннатдорчилик билдирилиб, Тошкент Тиббиёт академияси ва Тошкент шаҳар Мирзо Улугбек тумани ҳокимлиги томонидан қимматбахо ва эсдалик совгалари билан тақдирландилар.

Байрам тадбири қатнашчиларига элимизнинг таникли хушовоз хонандалари ва Ўзбекистон Давлат консерваторияси ўқитувчилари ҳамда талабалари томонидан байрам концерти намойиш этилди.

Комилжон СИДДИҚОВ,
подполковник



О.ТЕШАЕВ,

ТТА ўқув ишлари бўйича проректор

Олий тиббий таълимда ўқув жараёнини ташкил этишнинг меъёрий ҳужжатлари ва уларнинг ижросини таъминлаш

Олий тиббий таълимда ўқув жараёнини ташкил этишнинг меъёрий ҳужжатлари

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 10 январдаги 3-сонли "Олий таълимнинг Давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида" 2001 йил 16 августдаги 343-сон қарорига киритиладиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисидаги Қарори;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 1 августдаги 164-сонли "Республика олий таълим муассасалари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2014 йил 27 августдаги 7-сонли "Олий таълим муассасаларида таълим соҳалари блоклари ва шакллари бўйича бир нафар ўқитувчи ҳисобига тўғри келадиган талабалар сони нисбатининг нормативларини тасдиқлаш тўғрисида"ги буйруғи

Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 25 августдаги 246-сонли Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг айрим қарорларига педагогик фаолият, самарадорлиги ва сифатини ошириш билан боғлиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги Қарори;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 1 августдаги 164-сон "Республика олий таълим муассасалари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг "Олий таълим муассасаси профессор-ўқитувчилар таркибининг ўқув, илмий-методик, илмий-тадқиқот, ташкилий-методик, маънавий-

ахлоқий ва тарбиявий ишлар юклагасини аниқлаш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида"ги 2015 йил 9 сентябрь 5-2015 - сонли буйруғи.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 18 июндаги 118-сонли "Олий таълим муассасаларига қабул қилиш, талабалар ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартиби тўғрисидаги Низомларни тасдиқлаш ҳақидаги Қарори;

Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2009 йил 11 июндаги 204-сонли "Олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг тизими тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида"ги буйруғи. (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 28-сон, 330-модда; 2010 й., 34-сон, 297-модда; 2013 й., 50-сон, 659-модда; 2014 й., 52(1)-сон, 646-модда) [Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 10 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1981]

Соғлиқни сақлаш таълим соҳасининг Давлат таълим стандарти – 510 000 (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2015 йил 26 августдаги 303-сонли буйруғи);

Таълим йўналишларининг малака талаблари;
Намунали ўқув режалари;
Фан дастурлари;
Квалификацион тавсифномалар.

Тиббий олий таълимда ўқув жараёнини ташкил этишдаги масалалар:

Профессор-ўқитувчилар меҳнатини нормалаштириш

1 курс талабалари II блок фанларни янги дастурлар асосида ўқитишни ташкил этиш;

Амалий машғулотлар ва маърузалар сифатини яхшилаш

Ўқув-услубий мажмуа ва электрон таълим модулларини яратиш;

Талабаларнинг фан бўйича мустақил ишини ташкил этиш

Профессор-ўқитувчилар меҳнатини нормалаштириш

Профессор-ўқитувчилар таркиби меҳнатини нормалаштириш ҳар йили келгуси ўқув йили учун тузиладиган ва белгиланган тартибда тасдиқланадиган шахсий иш режаларига асосланган.

Йиллик шахсий иш режа мазкур Қоидаларнинг иловасида назарда тутилган олий таълим муассасаси профессор-ўқитувчилар таркибининг ўқув, илмий-методик, илмий-тадқиқот, ташкилий-методик, маънавий-ахлоқий ва тарбиявий ишлар ҳажмини ҳисоблашнинг вақт меъёрларига мувофиқ асосий тадбирлар рўйхатини (тадбирлардан ҳар бири бўйича соатлар миқдорини кўрсатган ҳолда) ўз ичига олади.

Йиллик шахсий иш режа 1540 соат миқдоридоги иш вақтининг жамланган ҳисобидан келиб чиқади.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг "Олий таълим муассасаси профессор-ўқитувчилар таркибининг ўқув, илмий-методик, илмий-тадқиқот, ташкилий-методик, маънавий-ахлоқий ва тарбиявий ишлар юклагасини аниқлаш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида"ги 2015 йил 9 сентябрь 5-2015-сонли буйруғи.

Профессор-ўқитувчиларнинг ўқув (маъруза, амалий, семинар ва лаборатория) соатлари ҳажми 400 соатдан кам бўлмаслиги тавсия этилади.

Зарур ҳолларда (маъруза машғулотлари ҳажми кўп бўлганда, профессор, доцент ва катта ўқитувчилар етарли бўлмаганда ва шу каби бошқа ҳолларда) камида 3 йиллик илмий-педагогик (илмий) иш стажига эга ассистент ёки ўқитувчиларга бир ўқув йилида 100 соатгача бўлган ҳажмда маъруза машғулотларини ўтишга олий таълим муассасаси кенгашининг қарорига асосан рухсат берилади.

Оралик ва якуний назоратларни ўтказиш

Онда ҳар бир талаба учун - 0,2 соат;

Янда ҳар бир талаба учун - 0,3 соат.

Семестр давомида битта фандан кўпи билан 2 тагача оралик назорат ўтказилади.

Бунда модуль тизимида ўқитилмаётган ва ҳажми (умумий аудитория соати) семестр давомида ҳафтасига тўлиқ 2 академик соатдан кам бўлган фанлардан оралик назорат ўтказилмайди.

Оралик ва якуний назоратлар ўтказилиши тегишли қайдномаларда акс эттирилади.

Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2009 йил 11 июндаги 204-сонли "Олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг тизими тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида"ги буйруғи. (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 28-сон, 330-модда; 2010 й., 34-сон, 297-модда; 2013 й., 50-сон, 659-модда; 2014 й., 52(1)-сон, 646-модда) [Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 10 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1981]

оралиқ назорат — семестр давомида ўқув дастурининг тегишли (фаннинг бир неча мавзуларини ўз ичига олган) бўлими тугаллангандан кейин талабанинг билим ва амалий кўникма даражасини аниқлаш ва баҳолаш усули. Оралик назоратининг сони (бир семестрда икки мартадан кўп ўтказилмаслиги лозим) ва шакли (ёзма, оғзаки, тест, ОТКС (объектив тизимлаштирилган клиник синов) ва ҳоказо) ўқув фанига ажратилган умумий соатлар ҳажмидан келиб чиққан ҳолда 36 соатдан 72 соатгача битта ва ўқув соатлари 72 соатдан кўп бўлган фанларда иккита оралик назорат ўтказилиши мумкин. Оралик назорат семестр ёки модулнинг маълум бир қисми ўтилганидан сўнг (семестр охирида эмас) ўтказилади;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 10 февралдаги 20-сон "Олий таълим муассасаларига педагог ходимларни танлов асосида ишга қабул қилиш тартиби тўғрисида"ги Қарорига қўшимча Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 25 августдаги 246-сонли Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг айрим қарорларига педагогик фаолият, самарадорлиги ва сифатини ошириш билан боғлиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги Қарори;

Танловни ўтказишда илмий кенгаш қарори, агар овоз беришда илмий кенгашнинг тасдиқланган (рўйхатдаги) таркибидоги аъзоларининг камида учдан икки қисми қатнашган бўлса ваколатли ҳисобланади. Илмий кенгашнинг овоз беришда қатнашган аъзоларининг кўпчилик овозини, бироқ камида 50 фоиз овозини олган номзод танловдан ўтган ҳисобланади. Бирортаси ҳам талаб қилинган миқдорда овоз ололмаган икки нафардан кўп номзодлар қатнашган тақдирда илмий кенгашнинг айнан шу мажлисида дастлабки икки талабгор ўртасида такрорий овоз бериш ўтказилади. Агар икки номзод қатнашган танловни ўтказишда овозлар сони тенг бўлиб қолса раиснинг овози ҳал қилувчи ҳисобланади. Илмий кенгаш қарори олий таълим муассасаси ректорининг буйруғи билан тасдиқланади. Танловда қатнашиш учун аризалар мавжуд бўлмаган тақдирда, ("шунингдек муайян лавозим учун фақат битта номзоддан ариза тушганда") танлов ўтказилмаган ҳисобланади.

Даволаш таълим йўналиши 1 курс талабалари учун II блок фанларини янги дастурлар асосида ўқитишни ташкил этиш

Тиббий терминология

Тиббий информатика

Тиббий биология ва генетика

Биофизика

Кимё, биологик кимё ва молекуляр биология

Анатомия. Клиник анатомия

Гистология, иммунология

Олий ҳамширалик иши таълим йўналиши 1 курс талабалари учун II блок фанларини янги дастурлар асосида ўқитишни ташкил этиш

Патология

Биомедицин инженерия

Инсон тараққиёти. Соғлиқ ва касаллик социологияси

Ҳамширалик иши

Инфекцион назорат. Юқумли касалликларда ҳамширалик иши

Терапия ва ҳарбий - дала терапиясида, геронтологияда ҳамширалик иши

Жамоада ҳамширалик иши

Физиология

Амалий машғулотлар сифатини яхшилаш

Фаннинг мақсад вазифасидан келиб чиққан ҳолда педагог томонидан уни мукамал эгаллаш;

Янги педагогик технологияларни ўзлаштириш ва ўқув жараёнига татбиқ этиш;

Ахборот коммуникацион технологияларидан кенг фойдаланиш;

Очиқ ва интеграл дарслар ташкил этиш;

Фаннинг энг охириги янгиликлари асосида дарс сценарийсини тузиш ва ўтказиш.

Клиник фанлардан очиқ дарс жараёни

Очиқ дарс муҳокамасида экспертлар иштироки

Амалий машғулот ва маърузалар сифатини ошириш

Соғлиқни сақлаш тизимининг атоқли олимлари томонидан маърузалар ташкил этишни кучайтириш (4);

Интеграл ва очиқ маърузалар сонини кўпайтириш ва сифатини ошириш (13);

Нуфузли чет эл университетларининг профессорлари томонидан ўқиладиган маърузалар ва мастер класслар сонини кўпайтириш (17);

Нуфузли чет эл университетларининг профессорлари ТТАда Академияда электрон таълим тизимини тўлиқ жорий этиш:

ОЎМТВнинг электрон таълим дастурига киритилган талабалар ва профессор-ўқитувчилар тўғрисидаги маълумотларни қайта кўриб чиқиш ва тўлдириш;

Фанлар ва кафедралар тўғрисидаги маълумотларни тўлдириш; Ҳар бир фан ва кафедра бўйича талаб этилган электрон каталогни ташкил этиш;

Электрон журнал ва Moodle тизимини ўқув жараёнига жорий этиш;

Электрон ҳужжат ва маълумот алмашувини йўлга қўйиш;

Фан бўйича электрон таълим модулини яратиш

Олий тиббий таълимда мустақил ишни ташкил этиш ва расмийлаштириш

Мустақил ишлар учун мавзулар ҳар бир фан бўйича намунавий ўқув режада белгиланган юклагага мос равишда кафедра томонидан белгиланиб, рўйхат тузилади.

Мустақил иш мавзуларининг ҳар бирининг ўз юклагаси, баҳолаш мезонлари, адабиётлар, интернет сайтлари берилади;

Мустақил иш мавзулари эълонлар тахтасида, кафедра сайтида, мустақил ишлар Низомида, Ўқув-услубий мажмуада эълон қилинади ва талабаларга биринчи машғулотда тақдим этилади.

Мустақил ишларни бажариш шакллари МИ Низомида кўрсатилади ва талабалар ихтиёрий равишда танлайди;

Талабаларнинг ўқув фани бўйича мустақил иши жорий, оралик ва якуний назоратлар жараёнида тегишли топшириқларни бажариши ва унга ажратилган баллардан келиб чиққан ҳолда баҳоланади.

Тошкент Тиббиёт академиясида талабаларнинг мустақил иши 100 баллик рейтинг тизимида баҳоланади ва унинг вазни 5%ни ташкил этади.

Талабанинг мустақил иш учун олган баллари жорий баҳога қўшиб ҳисобланади.

Талабанинг айнан мустақил иш учун олган баллари ушбу мустақил ишнинг ўзида акс эттирилади ва кафедрада 2 йилгача сақланади.

Таълим муассасасининг моддий-техник базасини ривожлантириш

Мавжуд ўқув лабораторияларини такомиллаштириш;

Янги ўқув лабораторияларини ташкил этиш;

Симуляцион марказлар ташкил этиш ва барча амалий кўникмаларни симуляторларда бажаришга ўргатиш;

Талабаларнинг амалий кўникмаларни реал шароитларда (Қишлоқ врачлик пунктлари, оилавий поликлиникалар, тез тиббий ёрдам станциялари) ўзлаштиришлари учун шароит яратиш.

